

Тендер савдоларида қатнашиш учун эълон

Сана:	2021 йил 9 Сентябрь
Қарз битими номери ва номи:	53312-001-UZB: 4P105 "Дарбанд – Бойсун – Элбаён" автомобиль йўлининг 5 - 70 км қисмини ва 4P100 "Манғузор – Жарқўрғон – Бандихон – Олтинсой – Денов" автомобиль йўлининг 128 - 174 км қисмини реконструкция қилиш лойиҳаси (National Road Development Project)
Шартнома номери ва номи:	i) SRRP/CW-01: 4P105 автомобиль йўлининг 5 – 37,5 км қисмини реконструкция қилиш, шунингдек WIM тизимини лойиҳалаш, етказиб бериш ва ўрнатиш. ii) SRRP/CW-02: 4P105 автомобиль йўлининг 37,5 – 70 км қисмини реконструкция қилиш iii) SRRP/CW-03: 4P100 автомобиль йўлининг 128 – 174 км қисмини реконструкция қилиш, шунингдек WIM тизимини лойиҳалаш, етказиб бериш ва ўрнатиш.
Таклифларнинг қабул қилиниш якуний муддати:	2021 йилнинг 30 ноябрь, соат 15:00 гача (Тошкент вақти билан) узайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси томонидан Осиё тараққиёт банки (ОТБ) маблағлари ҳисобидан 106,4 км узунликдаги 4P105 "Дарбанд – Бойсун – Элбаён" автомобиль йўлининг 5 - 70 км қисмини ва 4P100 "Манғузор – Жарқўрғон – Бандихон – Олтинсой – Денов" автомобиль йўлининг

128 - 174 км қисмини цемент-бетон қопламали йўлга ўтказган ҳолда реконструкция қилиш лойиҳасини молиялаштириш сўралган. Ушбу маблағнинг бир қисми қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича шартнома тўловларига йўналтирилади.

Тендер иштирокчилари тендер ҳужжатларида кўрсатилган бир ёки бир нечта шартномалар бўйича қатнашишлари мумкин. Агар бир нечта шартнома тузиладиган бўлса, чегирмалар беришни истаган иштирокчиларга рухсат берилади, агар ушбу чегирмалар таклиф хатига киритилган бўлса.

Автомобиль йўллари кўмитаси (Буюртмачи) муносиб қатнашчилардан қуйидаги йўлларни қуриш ва яқунлаш ишлари ("ишлар") учун муҳрланган таклифларини топширишга таклиф қилади. Қурилиш ишларининг умумий тавсифи ва тендер қатнашчиларининг асосий малака мезонлари қуйида келтирилган (қўшма корхона сифатида фаолият олиб бораётган корхоналарга ушбу мезонларни қўллаш усули тендер ҳужжатларида батафсил келтирилган). Шартнома бўйича ҳар бир белгиланган Лот доирасида қурилиш ишларини бажариш муддати 730 кунни ташкил қилади.

[Батафсил маълумотлар \(.docx форматида юклаболиш\)](#)